



REFORMS IN THE SYSTEM OF INTERNAL AFFAIRS AND IN THE PROCESS OF PERSONNEL TRAINING IN NEW UZBEKISTAN

Fayzulla Saparaliyevich Kholmammatov

Independent Researcher, Karshi State University

Karshi, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Uzbekistan, internal affairs bodies, reforms, prevention inspector, public security, mahalla, legal democratic state.

Received: 19.09.25

Accepted: 20.09.25

Published: 21.09.25

Abstract: This article analyzes the content, stages, and outcomes of reforms carried out in the internal affairs system of Uzbekistan. Based on presidential decrees and resolutions, the reforms in crime prevention, personnel training, neighborhood-level crime control, and the protection of citizens' rights and interests are examined. Furthermore, the article highlights the social significance of these transformations and outlines their future prospects.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ИШЛАР ТИЗИМИ ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА АМАЛГА ОШИРАЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР

Файзулла Сапаралиевич Холмаматов

Қарши давлат университети мустақил изланувчиси

Қарши, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ўзбекистон, ички ишлар органлари, ислохотлар, профилактика инспектори, жамоат хавфсизлиги, маҳалла, ҳуқуқий демократик давлат.

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислохотларнинг мазмуни, босқичлари ва уларнинг натижалари таҳлил қилинади. Президент фармон ва қарорлари асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, кадрлар тайёрлаш тизими, маҳалла даражасида жинойatchиликка қарши курашиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ёритилади. Шу билан бирга, тизимдаги янгиланишларнинг ижтимоий аҳамияти ва келгусидаги устувор йўналишлари кўрсатилади.

РЕФОРМЫ, ОСУЩЕСТВЛЯЕМЫЕ В СИСТЕМЕ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ И В ПРОЦЕССЕ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Файзулла Сапаралиевич Холмаматов

Независимый исследователь

Каришинского государственного университета

Кариши, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Узбекистан, органы внутренних дел, реформы, инспектор профилактики, общественная безопасность, махалля, правовое демократическое государство.

Аннотация: В данной статье анализируются содержание, этапы и результаты реформ, проведённых в системе органов внутренних дел Республики Узбекистан. На основе указов и постановлений Президента рассмотрены реформы в области профилактики правонарушений, подготовки кадров, борьбы с преступностью на уровне махалли, а также защиты прав и интересов граждан. Кроме того, освещается социальная значимость обновлений системы и определяются приоритетные направления на будущее.

Кириш. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча соҳаларда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, ички ишлар органлари тизимида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари асосида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, замонавий бошқарув тизимларини жорий этиш ва малакали кадрлар тайёрлаш борасида янги ёндашувлар ишлаб чиқилди. Ушбу мақолада мазкур ислохотларнинг босқичлари, асосий мазмуни, уларнинг самаралари ҳамда истиқболлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинади.

Методология: Тадқиқотда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар таҳлили, тарихий-қийсий метод ва тизимли ёндашувдан фойдаланилди. Аввало, 2017–2019 йилларда қабул қилинган Президент фармонлари ва қарорлари асос қилиб олинди. Шунингдек, статистик маълумотлар, ички ишлар органлари фаолиятини ёритувчи илмий мақолалар ва расмий нашрлар асосида масаланинг илмий изоҳи берилди.

Адабиётлар шарҳи: Мавзуга оид адабиётларда Ўзбекистон ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг турли жиҳатлари ёритилган. Жумладан, “Ўзбекистон халқи хизматида” номли расмий нашрда (2021) мустақилликдан кейинги 30 йиллик фаолият умумлаштирилган. Холов (2021) ўз мақоласида ислохотларнинг узлуксизлигини ва уларнинг ижтимоий ҳаётга таъсирини таъкидлайди. Хатамов (2022) эса ички ишлар органлари жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги натижалар ва

истикболларини ўрганган. Шунингдек, Академия ёшлари нашрида чоп этилган мақолаларда кадрлар тайёрлаш, сўнгги йилларда жорий этилган сиртки таълим тизими ва илмий салоҳиятни ошириш масалалари таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар: Ўзбекистон Республикасида ички ишлар органларини ислох қилиш жараёни изчил ва босқичма-босқич амалга оширилиб келмоқда. Тизимдаги ислохотларнинг биринчи босқичи Президентимизнинг 2017 йил 10 апрелдаги фармони билан бошланди. Мазкур фармон асосида 13 та қонун, давлат раҳбарининг 9 та фармони, 40 та қарори ва 3 та фармойиши, шунингдек, Ҳукуматнинг 115 та қарори ҳамда 167 та идоралараро ҳужжат қабул қилинди. Бу ислохотлар натижасида ички ишлар органлари бошқарув тизими тубдан мақбуллаштирилди: шахсий таркибнинг 85 фоизи куйи бўғинларда, яъни аҳоли билан бевосита мулоқотда хизмат қила бошлади. Шунингдек, аҳоли эҳтиёжларини самарали қондириш мақсадида ҳар 35–40 минг аҳолига хизмат кўрсатувчи қўшимча 261 та янги ички ишлар бўлими ташкил этилди. Бундан ташқари, йирик бозорлар, савдо мажмуалари ва аҳоли гавжум жойларда маҳаллий бюджет ҳисобидан 41 та янги бўлинма фаолият йўлга қўйилди [1, б-11].

Ислохотларнинг навбатдаги босқичида кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 2017 йил 16 августда Президент томонидан қабул қилинган “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорга мувофиқ, кадрлар сиёсатида янги йўналишлар йўлга қўйилди. Хусусан, мамлакатнинг 14 та маъмурий-худудий бирлигида вазирлик академик лицейлари ташкил этилди ва шу орқали узлуксиз таълим тизимининг дастлабки босқичи таъминланди. Академиянинг кундузги таълим шаклига қабул асосан ИИВ академик лицейлари ва ҳарбий академик лицейлар битирувчилари, шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари ва профилактика инспекторларининг ёрдамчилари таркибидан амалга ошириладиган бўлди [2].

Кадрлар тайёрлаш тизимида яна бир муҳим кадам сифатида, Президентнинг ПҚ-3216-сонли қарори асосида 2018/2019 ўқув йилидан Академияда сиртки таълим шакли жорий этилди. Бу факультет ички ишлар органлари учун профессионал кадрлар тайёрлаш мақсадида тузилиб, унда ўқув жараёни икки йўналишда ташкил этилди: олий маълумотга эга бўлмаган ходимлар учун тўрт йиллик, олий маълумотга эга бўлган ходимлар учун эса тўлов-контракт асосида уч йиллик дастур амалга оширилди. Жорий ўқув йилида мазкур факультетни олий маълумотга эга 82 нафар тингловчи муваффақиятли битирди [3].

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳам тизимли ислохотлар амалга оширилди. Президентнинг ПҚ-3528-сонли (2018 йил 14 февраль), ПҚ-3786-сонли (2018 йил 19 июнь) ва ПҚ-4075-сонли (2018

йил 24 декабрь) қарорлари асосида Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизими жорий этилди. Бу қарорлар пойтахтдаги ички ишлар органлари фаолиятини самарали ташкил қилиш, уларга илғор иш усуллари ва замонавий технологияларни жорий этишда муҳим аҳамият касб этди [4].

Шунингдек, Президентнинг ПҚ-4229-сонли (2019 йил 6 март) қарорига мувофиқ транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизими йўлга қўйилди. Бундан ташқари, ПҚ-4343-сонли (2019 йил 29 май) қарор билан ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг янги тизими жорий этилди. Бу, ўз навбатида, вилоятларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда сифат жиҳатидан янги босқичга ўтишга замин яратди [1, b-11].

Энг муҳим янгиликлардан бири сифатида ички ишлар органлари тизимида раҳбар ва ходимларнинг жиноятчиликка қарши курашишга бўлган муносабатида туб ўзгаришлар рўй берди. Яъни, фаолият самарадорлиги энди рақам ва статистик кўрсаткичлар ортидан қувишда эмас, балки фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда жиноятларнинг олдини олишда намоён бўла бошлади. Бу борада халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда жиноятчилик статистикасини юритиш тизими такомиллаштирилди. Хусусан, кўрсаткичлар ҳар 100 минг аҳолига нисбатан ҳисобланиши йўлга қўйилди. Масалан, жорий йилнинг дастлабки 6 ойида ҳар 100 минг аҳолига 132 та жиноят тўғри келгани аниқланди [1, b-12].

Маҳаллий ҳудудларда осойишталикни таъминлаш ва жиноятлардан ҳоли муҳит яратиш мақсадида эътибор маҳаллаларга қаратилди. Президент ташаббуси билан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш механизми ишлаб чиқилиб, ҳар бир маҳаллага алоҳида профилактика инспектори бириктирилди. Натижада уларнинг сони 9 784 нафарга етказилиб, ҳар бир инспектор ўртача 3,5 минг аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Бу эса илгариги ҳолатдан кескин фарқ қилади, чунки аввал икки ёки учта маҳаллага битта профилактика инспектори бириктирилган бўлиб, уларнинг умумий сони 5 867 нафардан ошмас эди. Шу тариқа профилактика инспекторларининг самарали хизмат юритиши учун қулай иш шароити ва зарур имкониятлар яратилди [1, b-12].

Мазкур ўзгаришларнинг амалий ифодаси сифатида профилактика инспекторларига 6 787 та хизмат уйи ажратилди ҳамда 7 388 та автомашина имтиёзли кредитлар асосида харид қилиниб топширилди. Шунингдек, уларнинг ҳуқуқий мақоми янада мустаҳкамланиб, профилактика инспектори маҳалла раисининг ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича ўринбосари сифатида белгиланди. Хотин-қизларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва турли тазйиқлардан асраш мақсадида эса янгича институт – 362 нафар катта

инспектор лавозими жорий этилди. Илгари бундай вазифа мавжуд бўлмаганлиги сабабли кўплаб жабрланган аёллар ўз муаммоларини очик баён эта олмас эдилар. Ҳозирда эса мазкур инспекторлар хотин-қизларнинг энг яқин маслақдоши ва ҳимоячиси сифатида фаолият кўрсатиб, уларга ҳимоя ордерлари бериш орқали ҳуқуқларини таъминлаб келмоқда [1, b-13].

Шу билан бирга, жиноятга жазо муқаррарлиги принципини тўлиқ татбиқ этиш ва процессуал адолатни таъминлаш мақсадида қатор инновацион технологиялар ҳам жорий этилди. Жиноятларни тергов қилиш жараёнида аудио ва видео қайд этиш мажбурий этилиб, илғор криминалистик воситалардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди. Масофадан туриб сўроқ қилиш ва мобил тергов платформалари амалга татбиқ этилди. Шунингдек, 1 123 та махсус сўровхона видеокузатув воситалари билан жиҳозланди, жазони ижро этиш муассасаларида эса 3 мингдан зиёд видеокузатув мосламалари ўрнатилди. Бу жараёнда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди: маҳкумлар ва ҳибсда сақланаётганлар адвокатлар ҳамда омбудсман билан тўсиқсиз учрашиш имкониятига эга бўлдилар. Ҳуқуқий давлат тамойиллари асосида, замон талабига жавоб бермайдиган 4 та жазони ижро этиш муассасаси – жумладан, жамоатчиликда салбий ном билан танилган “Тоштурма” ҳибсхонаси ва Жаслик колонияси тугатилди.

Шунингдек, маҳкумларни жамиятга қайта интеграция қилиш мақсадида уларнинг сайлаш, пенсия таъминоти, касб эгаллаш ва тиббий хизмат олиш ҳуқуқлари таъминланди. Уларнинг меҳнатга тўлиқ жалб этилиши учун 100 дан зиёд янги ишлаб чиқариш цехи ташкил этилиб, кўшимча 5 мингга яқин иш ўринлари яратилди. Жамоат хавфсизлигини таъминлашда эса инсон омилини минималлаштириш мақсадида йўл-патруль ва патруль-пост хизмати ходимлари 6 100 та бодикамера, 179 та алкотестер ҳамда ҳуқуқбузарликларни аниқловчи 6 514 та планшет билан таъминланди. Шу билан бирга, ислохотларнинг мантикий давоми сифатида хизмат фаолиятини рақамлаштириш жараёнлари ҳам изчил амалга оширилмоқда [9, b-14].

Ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлиги, аввало, замонавий ахборот-технологиялардан фойдаланиш, хизмат жараёнларини рақамлаштириш ва шаффофликни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳозирга қадар ички ишлар органларининг 96 фоизи оптик толали алоқа тизимига уланиб, 89 фоизи замонавий компьютерлар билан жиҳозланган. Шунингдек, тизимда 32 та ахборот-маълумотлар базаси жорий қилиниб, ҳужжат айланиши жараёнининг 63 фоизи электрон шаклга ўтказилгани ислохотларнинг муҳим натижаси ҳисобланади. Фаолиятнинг очиклиги ва жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида ҳар бир ҳудуд ва соҳавий хизматларда 21 та вебсайт ишга туширилиб, ижтимоий тармоқларда 47 та расмий саҳифа юритилиши йўлга қўйилди.

Айни пайтда улар орқали ҳар куни тахминан 1,2 миллион фойдаланувчига маълумот тақдим этилмоқда. Шу жиҳатдан, кадрлар салоҳиятини оширмасдан туриб ислохотларнинг самарадорлигига эришиш мумкин эмаслиги алоҳида таъкидланиши лозим[1, b-14].

Бу йўналишда ИИБ академиясида 8 та ихтисослашган йўналиш бўйича кундузги ва сиртқи таълим тизими йўлга қўйилган. Шунингдек, 14 та идоровий академик лицей, “Темурбеклар мактаби” ҳамда ихтисослашган мактаб-интернатлар фаолият кўрсатмоқда. Тизимда кадрларнинг хизмат самарадорлигини ошириш ва коррупциянинг олдини олиш мақсадида ҳар йили декабрь ойида “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” ўтказилади. Шунингдек, профилактика инспекторлари, тезкор, тергов, йўл-патруль, патруль-пост, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш ҳамда пробация хизмати ходимларининг фаолияти рейтинг асосида баҳоланиш тизими жорий этилган. Бунда “уйида хотиржамлик ҳукм сурган, оиласида муаммоси бўлмаган ходимгина намунали хизмат қилади” деган ғоя асос қилиб олинган ва шу боис ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда[5].

Ходимларни рағбатлантириш ва уларнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш мақсадида турли номинациялар асосида танловлар ташкил этилмоқда. Жумладан, “Энг яхши доцент”, “Энг яхши профессор”, “Энг яхши олим”, “Энг яхши илмий тўғарак раҳбари”, “Энг яхши илмий-тадқиқот”, “Энг яхши монография”, “Энг яхши ўқув нашри” ва “Энг яхши илмий мақола” каби йўналишларда мукофотлар берилиши ходимларнинг самарали илмий фаолиятга йўналтирилишига хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, моддий-техника таъминоти соҳасида ҳам муҳим ишлар амалга оширилди: 241 та хизмат уйи қурилиб, 2 245 та хонадон ипотека кредити асосида расмийлаштириб берилган, 93 та замонавий маъмурий бинолар қурилган ва 2 868 та хизмат транспорт воситаси харид қилинган. Хизмат чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг 121 нафар фарзанди олий таълим муассасаларига имтиҳонсиз ўқишга кириш имконияти билан таъминланган. Шунингдек, 5 126 нафар ходим ва уларнинг оила аъзоларига санаторий-курортларга йўлланмалар тақдим этилган, 328 нафар ходим давлат мукофотлари билан тақдирланган ва умумий ҳисобда 77 минг 884 нафар ходим рағбатлантирилган[1, b-15].

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратadbirlари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони (2021 йил 29 ноябрь) қабул қилинди. Унга мувофиқ, жамоат хавфсизлигини таъминлашда илғор хорижий ва миллий тажрибалар асосида “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси”, “2022–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси” ҳамда ушбу стратегиянинг 2022 йилда амалга ошириш

бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди. Ушбу ҳужжатлар мамлакат аҳолисини турли таҳдидлардан кафолатли ҳимоя қилишга йўналтирилган тизимли чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олади.

Хулоса. Юкоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислохотлар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, маҳаллаларда профилактика инспексияси фаолиятининг кучайтирилиши, янги бўлинмалар ташкил этилиши ва кадрлар тайёрлаш тизимининг босқичма-босқич янгиланиши ислохотларнинг самарадорлигини оширмоқда. Келгусида ҳам ушбу тизимда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, халқаро тажрибани ўзлаштириш ва фуқаролик жамиятининг фаол иштирокини таъминлаш устувор вазифа бўлиб қолади.

Фойдаланилган манбалар рўйхати:

1. Ўзбекистон халқи хизматида (Ватанимиз мустақиллиги ва ички ишлар органларининг 30 йиллигига бағишланади). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, 2021. – 220 б.
2. Холов Ж. Ислохотлар суръати фидойиликни талаб қилади // *Akademiya yoshlari*. – 2021. – 4 март.
3. ИИБ Академияси Ахборот хизмати. Сиртқи таълим факультетида битирув тадбири бўлиб ўтди // *Akademiya yoshlari*. – 2022. – 15 апрель.
4. Хатамов Р. Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ислохотлар, уларнинг натижа ва истиқболлари // *Ҳуқуқий олам*. – Тошкент, 2022. – №1. – Б. 12.
5. Хўжақулов С. Илмий салоҳиятни оширишнинг муҳим йўналишлари муҳокама қилинди // *Akademiya yoshlari*. – 2023. – 24 январь.